ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ФИЛОЛОГИЯ ФАКУЛЬТЕТИ
АДАБИЁТШУНОСЛИК КАФЕДРАСИ

Адабиётшунос олим,
филология фанлари доктори
Жўраев Ҳабибулло Абдусаломович
таваллудининг 60 йиллигига бағишланган

ФИЛОЛОГИЯНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

мавзусидаги республика илмий-назарий анжумани материаллари

Фарғона – 2021

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ФИЛОЛОГИЯ ФАКУЛЬТЕТИ
АДАБИЁТШУНОСЛИК КАФЕДРАСИ

Адабиётшунос олим, филология фанлари доктори Жўраев Ҳабибулло Абдусаломович таваллудининг 60 йиллигига бағишланган ФИЛОЛОГИЯНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

мавзусидаги республика илмий-назарий анжумани материаллари

Фарғона – 2021

МУТАХАССИСЛИККА ОИД МАТНЛАРГА ТИЛ БИРЛИКЛАРИНИНГ ХОСЛАНИШИГА ДОИР

Исмаилова Сайёра Толкиновна,
Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институти ўқитувчиси

Сўзнинг нутқий маъноси гапда, сўзлар қуршовида, аниқ бўлгани каби гапда ифодаланган фикр (мазмун) матнда, гаплар қуршовида тўла-тўкис аниқ бўлади. Шунинг учун ўтган асрнинг иккинчи ярмига келиб нутқнинг гапдан юқори бирлиги бўлган матнни ўрганишга бўлган қизиқиш юзага келди. [1] Дастлаб, матн ва унинг муҳим белгилари, бирликлари, семантик структураси, композицион қурилиши, матннинг грамматик қурилиш кабиларга эътибор қаратилди. [2]

1974 йилда матн лингвистикасига бағишланган конференция ўтказилди ва бу конференцияда матншунослик олдида турган энг муҳим муаммолар муҳокама қилинди. [3] Шундан кейин матншуносликда янги йўналишлар юзага келди. Бу йўналишлар матнни функционал услублар билан боғлиқ томонларига, унинг психолингвистик белгиларига, прагматик хусусиятларига эътибор қаратди. Бундай изланишлар натижасида матнни турли соҳалар билан боғлиқ жиҳатларини ўрганиш каби янги илмий тадқиқотларга эътибор қаратилди. Натижада илмий матннинг синтагматик ва прагматик хусусиятлари, бадиий матнлар, аския матнлари, муқаддас матнлар, диний матнлар ва шу каби матн турлари, уларнинг лингвистик белгилари тадқиқ этилди. Аммо мутахассисликка оид матнлар ва уларга тил бирликларининг хосланиши муаммоси монографик планда тадқиқ этилганича йўқ.

Мутахассисликка оид матнлар ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, маълум бир илмий соҳа, ўқиш-ўқитиш, касб-ҳунар, ишлаб чиқариш ва шу кабилар билан боғлиқ бўлади. Бундай матнларда ўзи боғлиқ бўлган соҳага оид экстралингвистик ва лингвистик белгилар мавжуд бўлади. Бундай белгиларга биринчи галда соҳага оид терминлар, атамалар ва хосланган сўзлар киради. Шунинг билан бирга, матн тузилиши, унинг композицион қурилиши, абзацларга бўлиниши каби экстралингвистик белгилар ҳам киради. Бу, айниқса, медицинага оид матнларда ўзига хос тарзда намоён бўлади.

Маълумки, “хосланмоқ” сўзи терминологик маънода ҳам “махсуслашмоқ”, “мослашмоқ” [4] тушунчаларини билдиради. Мутахассисликка оид матнларга лексик бирликларнинг хосланиши бевосита соҳага оид сўзларнинг матнни ташкил қилишдаги ўрни, қўлланиш частотасининг юқорилиги билан белгиланади. Хусусан, ҳар бир матнда такрорланиши кузатилади. Масалан, медицинага оид матнлар таҳлил қилинганда бу яққол кўзга ташланади. Жумладан, даволаш воситалари ва дори-дармонларнинг йўриқнома матнлари бир хил жумлалар билан бошланиши кузатилади:

Қўллаш бўйича йўриқнома

ИНСТИ

Препаратнинг савдо номи: *Инсти*

Дори шакли: *гранулалар*

Таркиби:

Хар бир пакет-саше қуйидаги экстрактларни сақлайди:

Оқ тол - 750,00 мг.

Томирли адхатода - 300,00 мг

Қизилмия - 550,00 мг

Хитой чойи - 125,00 мг

Хушбўй бинафша - 100,00 мг

Доривор валериана - 100,00 мг

Оддий укроп - 75,00 мг

Шарсимон эвкалипт - 35,00 мг

Ёрдамчи моддалар: маккажўхори краҳмали, ментол, сахароза.

Таърифи:

Жигарранг рангли, ишқаланганда ментол ҳидга эга гранулалар.

Фармакотерапевтик гуруҳи: шамоллаш касалликларида қўлланадиган мажмуавий препаратлар.

АТХ коди: R05X

Йўриқнома мутахассисликка оид матн бўлиб, бу матн тури медицина соҳасига хосланган бўлиб, бошқа соҳаларда матннинг бундай композицион шаклда тузилиши кузатилмайди. Шунингдек, *дори шакли, гранулалар, таркиби, таърифи, жигарранг рангли, фармакотерапевтик, атх коди* каби сўз ва бирикмалар бошқа соҳага оид матнларда кузатилмайди. Гарчи *таркиб, таъриф, шакл, дори* каби лексик бирликлар бошқа матнларда ҳам учраса ҳам, медицинага оид матн ҳисобланган йўриқнома матнларидаги каби ҳар бир матнда айнан тарзда қўлланмайди. *Фармакотерапевтик, АТХ коди, гранула, препарат, савдо номи* каби сўз ва бирикмалар бошқа соҳага оид матнларда деярли қўлланмайди. Чунки "Фармакология тиббиётнинг асосий йўналишларидан бири бўлиб, касалликларни даволашда энг муҳим омил ҳисобланади. Фармакология лотинча сўз бўлиб, "pharmacon" — дори, "logos"— фан, доришунослик фани деган маънони билдиради. Фармакология одам ва хайвонлар организмига дорилар юборилгандан кейин рўй берадиган ўзгаришларни ўрганади. Фармакологик моддалар организмнинг турли аъзолари, тўқималари, ҳатто ҳужайралари фаолиятини ўзгартириши мумкин" [5].

Демак, мутахассисликка оид матнларга тил бирликлари хосланиш хусусиятига эга бўлиб, бу матн тузилиши ва унинг мазмуний ва композицион структурасини ҳам ўзига хос шаклда бўлишини таъминлайди. Бу эса соҳа мутахассисларини матн мазмунини идрок қилиши ва тўғри тушуниши учун имконият яратади.

Адабиётлар:

1. Лингвистический энциклопедический словарь, – М.: Сов. Энциклопедия, 1990, С. 508.
2. В.Я.Пропп, Текст иаспекти его рассмотрения, – М.: 1977; О.И.Москальская, Грамматика текста, – М.: 1981 ва б.
3. Лингвистик текста: материали научной конференциии МГПИИЯ им. М.Тореза, – М.: 1974, ч. 1,2.
4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати, – Т.: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2008, 414-бет.
5. Azizova S.S. Farmakologiya, -Toshkent, "Yangi asr avlodi", 2006, 5-bet.

ПЕДАГОГИК ЖАРАЁНЛАРДА АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШНИНГ ТАРИХИ ВА ТАРАҚҚИЁТИ

Камбарова Дильдора Ибрахимовна,
ФарДУ таянч докторанти

Ҳозирги замон жамиятининг технологияланиш мойиллигининг юкори даражасини инобатга олган ҳолда, чет тилига ва унда мулоқот юритишга ўқитишни амалда мавжуд бўлган ахборот-коммуникатив фазо билан, яъни даврий матбуот, радио, телевидение воситалари билан тўғридан-тўғри боғлаш лозим. Анъанавий ОАВдан олий таълим муассасасида фойдаланиш долзарблигини, уларни мактабнинг юқори синфларида чет тилига ўқитиш жараёнида фаол қўлланилаётганлиги яна бир бор исботлайди. В.И.Кувшинов таъкидлаганидек, мактабдаги ўқув жараёнига ОАВнинг жалб қилинишига қуйидаги икки омиллар қулай шароит яратади, булар: "ўқувчиларнинг чет тилини ўрганишларига рағбатланиш омили, яъни дарсда ижодий ўзаро англаш ва сермаҳсул мулоқот қилиш муҳитининг яратилиши" ва шунингдек "чет тилини ўқитишнинг мукобил шаклига ўтиш ва шу орқали ўқитувчига дарсликларни..., ахборотнинг турли хил манбаъларини... танлаш эркинлигини тақдим этиш омили..."[1,32]. Кўриниб турибдики, мана шу икки мойилликлар олий таълим муассасасидаги таълим бериш учун ҳам таалуқлидир ва шунга мувофиқ тарзда кейинчалик ривож топиши лозим.

Ҳозирги вақтда улғайган кишини оммавий коммуникация муҳитидан ташқарида тасаввур қилиш мумкин эмас, бу эса ўз навбатида жуда кўп турли хил оқибатларни келтириб чиқаради. Юртдошларимиз ва хорижлик муаллифларнинг ишларида (Г.М.Андреева, Н.Н.Богомолова, А.А.Брудний, Б.А.Грушин, В.С.Коробейников, В.Н.Куницина, Г.С.Мельник, Д.Майерс ва ҳ-зо.) шахс ва ОАВ ўртасидаги ўзаро боғлиқ муносабат муаммоларининг фаол тадқиқ этилиши давом этмоқда.

Олий таълим муассасасида чет тилида мулоқот юритилишини ўқитиш воситаси сифатида ОАВни танлаган ҳолда биз улар "оғзаки, ёзма ва визуал функцияларни ўз зиммасига олган ижтимоий коммуникациянинг улкан бир воситаси экан"лиги таъкидлаймиз [2,115]. Методистлар илмий-техник

	асосида).....	143
Абдуллаев А.Ў.	Рамз тушунчасига оид карашлар хусусида.....	146
Аббозов О.	Оронимларининг шаклланишида мўғулча лексемаларнинг иштироки.....	149
Iskandarova O. **Mirzayeva Z.**	Vorislik, majburiyat va zakiyligimiz haqida.....	151
Исмаилова С.	Мутахассисликка оид матнларга тил бирликларининг хосланишига доир.....	155
Камбарова Д.	Педагогик жараёнларда ахборот воситаларини қўллашнинг тарихи ва тараққиёти.....	157
O'rinboyeva E. **O'lmasova X.**	Badiiy matnda maqol va matallardan foydalanish xususida (A.Qahhor asarlari misolida).....	160
Турсунова М.Э. **Филиппова Л.А.**	Заимствования в современном русском языке.....	163
Артикова Ш.	Самостоятельная работа студентов при изучении иностранного языка.....	166
3-ШЎБА. Адабий алоқалар ва таржима назарияси		
Хўжаев С.	Мифологияда учликнинг қўлланиши ҳақида баъзи мулоҳазалар.....	169
Xolmatov O.	Erix Mariya remark va O'Tkir Hoshimov (harbiy prozada obraz va talqin masalalari).....	172
Олимжонов С.	Характерга оид назарий фикрлар таҳлили.....	175
Олимжонов С.	Индивидуал услуб ҳақида баъзи мулоҳазалар.....	178
Isomiddinova R.	"Urushning ayoldan yiroq qiyofasi" asarida urushdagi ayollar taqdiri.....	180
Иброҳимова Н.	Адабий алоқалар: кеча ва бугун.....	182
Muratova D.	Isajon Sultonning "Ota qasidasi" va Li Mi Ening "Ona, siz..." asarlarida obrazlar tizimi.....	184
4-ШЎЪБА. Тил ва адабиёт ўқитишнинг долзарб масалалари		
Abdullayeva D.	Rus shoirining sharqona ohanglari Cho'lpon tarjimasida.....	188
Mannopov I.	Mustaqil ta'limni tashkil qilishda loyihaviy ta'lim metodidan foydalanish.....	191
Meliqulova N.	Boshlang'ich sinflarda o'qitish usullari haqida.....	195
Rahmonova Z.	Umumta'lim maktablarida adabiyot fanini o'qitishning milliy tizimini yaratish.....	197
Йигиталиев У. **Умиджонов Ш.**	Ўзбек тили дарсларида ўқувчилар нутқини ўстиришда "хурмат" концептининг ўрни *(таълим ўзга тилда олиб бориладиган умумий ўрта таълим мактаблари мисолида)*.....	199
Xolmatova N.	X.To'xtaboyev ijodini o'rganishda ko'rgazmali vositalar.....	201